

**ОИЛАВИЙ ЗЎРАВОНЛИКДА АЁЛЛАР ҲУҚУҚЛАРИНИ
ҲИМОЯ ҚИЛИШ: САМАРАДОРЛИКНИ ОШИРИШ ЙЎЛЛАРИ**

Зокиров Шерзод

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги
Қонунчилик ва ҳуқуқий сиёсат институти
етакчи илмий ходими
юримдик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD)
E-mail: shizokirov@mail.ru

***Аннотация:** ушбу мақолада оилавий зўравонликда аёллар
ҳуқуқларини ҳимоя қилиш: самарадорликни ошириш йўллари таҳлил
қилинади.*

***Калит сўзлар:** оилавий зўравонлик, ҳимоя қилиш, самарадорлик,
аёллар.*

**ЗАЩИТА ПРАВ ЖЕНЩИН ПРИ ДОМАШНЕМ НАСИЛИИ:
ПУТИ ПОВЫШЕНИЯ ЭФФЕКТИВНОСТИ**

Закиров Шерзод

ведущий научный сотрудник
Института законодательства и правовой политики
при Президенте Республики Узбекистан
Доктор философии в области юридических наук (PhD)
Электронная почта: shizokiro@mail.ru

***Аннотация:** в данной статье анализируется защита прав
женщин при домашнем насилии: пути повышения эффективности.*

***Ключевые слова:** семейное насилие, защита, эффективность,
женщины.*

**PROTECTION OF WOMEN'S RIGHTS IN DOMESTIC
VIOLENCE: WAYS TO INCREASE EFFECTIVENESS**

Zakirov Sherzod

Leading researcher of
the Institute of Legislation and Legal Policy
under the President of the Republic of Uzbekistan
Doctor of Philosophy in Legal Sciences (PhD)
E-mail: shizokirov@mail.ru

Abstract: this article analyzes the protection of women's rights in domestic violence: ways to increase effectiveness.

Key words: family violence, protection, efficiency, women.

Бугунги кунда дунё ҳамжамиятида оиланинг барқарорлигини таъминлаш ҳар бир мамлакат генофондини ривожлантиришнинг асосий омили саналади. Миллий генофонд мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг муҳим йўналишларидан бири бўлиб, у, шунингдек, мудофаа қобилятини ҳам мустаҳкамлашга хизмат қилади. Оиладаги муҳит эса, кўп жиҳатдан, унда туғилиб, вояга етган потенциал “келажак эгалари”ни тайёрлашга замин ҳозирлайди.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларнинг туб моҳиятида инсон ва унинг манфаатлари устувор ҳисобланади, кўзланган мақсадга эришишда ҳаётимизнинг ажралмас қисмига айланган оиланинг ўрни эса, беқиёсдир.

Бу борада давлатимиз раҳбари Ш.Мирзиёев “Оила – меҳр ва бахт кўрғони. Оила бор экан, фарзанд деган бебаҳо неъмат бор, инсоний қадр-қиммат ва маънавият бор” деб таъкидлаб ўтган¹. Бугунги кунда янги Ўзбекистонда яшаётган ҳеч бир инсон, ҳеч бир оила давлатимиз ва жамиятимизнинг эътибори ва ғамхўрлигидан четда қолмаётганлиги, мамлакатда амалга оширилаётган барча жабҳадаги ислохотлар натижаси ҳар бир оилագача кириб бораётганлиги оиланинг давлат сиёсатида муҳим ўрин тутишидан далолат беради.

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Халқаро хотин-қизлар кунига бағишланган тантанали маросимдаги нутқи // Электрон манба: <https://pm.gov.uz/uz/lists/view/1102>
SJIF: 5.051

Жамиятдаги ҳар қандай иллатга қарши курашни оиладан бошласаккина уни илдизи билан қуритиш мумкин. Зеро, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 76-моддасига мувофиқ², оила жамиятнинг асосий бўғинидир ҳамда жамият ва давлат муҳофазасида эканлиги белгиланган.

Оилавий (маиший) зўравонлик жамиятимиздаги энг нозик ва мураккаб ижтимоий муаммолардан бири эканлигини қайд этиш ўринли. Бу муаммо нафақат жабр кўрган шахсларнинг эмоционал ва психик саломатлигига, балки, уларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига жиддий таъсир кўрсатади. Шу сабабли, оилавий зўравонлик қурбонларини ҳимоя қилинишига қаратилган чора-тадбирларнинг самарадорлигини ошириш зарурлиги доимо долзарб масала ҳисобланади.

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига кўра, дунёдаги ҳар учинчи аёлга ҳаёти давомида ўз умр йўлдоши томонидан жисмоний тазйиқ ўтказилади. Турмуш қурган аёлларнинг 30 фоизи ҳамроҳи томонидан зўравонлик ҳолатларига дуч келганлари ҳақида маълум қилади. Аёллар ўлимининг 38 фоизи уларнинг турмуш ўртоғи томонидан амалга оширилади ва зўравонликка дуч келган аёлларнинг 42 фоизигина мазкур муаммо ҳақида очик сўзлайди³.

Бу эса, ўз навбатида, оилавий зўравонлик кўламига кўра глобал муаммо эканлигини англатади. У турмуш даражаси ва демократизация форматидан қатъи назар, дунёнинг барча мамлакатларида кузатилади.

Янги Ўзбекистонда сўнгги йилларда қабул қилинаётган қонун ҳужжатлари, илгари “ёпиқ” бўлган зўравонлик мавзусини кенг ёритиш

² Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 01.05.2023 й., 03/23/837/0241-сон

³ <https://www.un.org/ru/rights/protectedfromviolence/ch3.shtml>

имконини берди. Бугунги кунда хотин-қизларни зўравонликдан ҳимоя қилиш борасида жамиятда уларга нисбатан тазйиқ ва зўравонликка доир мурасасизлик муҳитини яратиш учун амалий чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Хусусан, мамлакатимизда хотин-қизларни зўравонликдан ҳимоя қилишга оид бир қатор халқаро ҳужжатлар ратификация қилинди.

Шунингдек, Конституциямизнинг 26-моддасида эса, ҳеч ким қийноққа солиниши, зўравонликка, шафқатсиз ёки инсон кадр-қимматини камситувчи бошқа тарздаги тазйиққа дучор этилиши мумкин эмаслиги мустаҳкамлаб қўйилган.

Шу билан бирга, Ўзбекистонда оилавий зўравонлик муаммоси билан курашишни тартибга солиш мақсадида қонунчилик базасини такомиллаштириш бўйича махсус қонунчилик ҳужжатлари қабул қилинди ва мавжуд қонунлар ислоҳ қилинди.

Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг “Хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисида”ги⁴ ва “Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида”ги⁵ Қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 5 мартдаги “Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг жамият ҳаётидаги фаол иштирокини таъминлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-5020-сон қарори⁶ ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 4 январдаги “Хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш

⁴ Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 12.04.2023 й., 03/23/829/0208-сон; 19.10.2024 й., 03/24/977/0831-сон

⁵ Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 16.12.2022 й., 03/22/809/1091-сон; 12.04.2023 й., 03/23/829/0208-сон

⁶ Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 29.12.2023 й., 07/23/422/0994-сон; 13.01.2025 й., 06/25/1/0022-сон

тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 3-сон Қарори⁷ ва ушбу соҳани тартибга солувчи ҳужжатларни мисол сифатида келтириш мумкин

Шу ўринда, Amnesty International халқаро ташкилотининг Марказий Осиё бўйича тадқиқотчиси Хеза МакГилл Ўзбекистон оиладаги зўравонликни қонунга алоҳида жинойт сифатида киритган бешинчи давлатга айлангани, мамлакат Ҳукумати инсон ҳуқуқлари бўйича гендер зўравонликка барҳам бериш бўйича халқаро мажбуриятини бажариш йўлида муҳим қадам ташлаганини алоҳида эътироф этганини таъкидлаш ўринли.

Дарҳақиқат, юртимизда ушбу йўналишда давлат органлари ва нодавлат ташкилотлар ҳамда фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан биргаликда тарғибот-ташвиқот ишлари олиб борилмоқда. Мактабларда

ва жамоатчилик орасида оиладаги зўравонликнинг салбий оқибатлари тўғрисида кенг маълумот ва ахборотлар бериш, мутахассислар томонидан турли семинар ва тренинглар ўтказиш орқали жамиятда ушбу муаммога нисбатан тўғри тушунча шаклланиши, профилактик чораларнинг самарали амалга оширилиши ва ҳуқуқий ҳамда ижтимоий механизмларнинг мустаҳкамланишига эришишга хизмат қилади.

Шунингдек, ижтимоий тармоқлар ва оммавий ахборот воситалари орқали кенг аудиторияга мурожаат қилиниб, зўравонликнинг олдини олиш бўйича мунтазам равишда маълумотлар бериб борилмоқда.

Шунга қарамай, жамиятимизда оилавий зўравонлик ҳолатлари ҳамон учрамоқда. Бунга эса, қатор омиллар сабаб бўлаётганлигини таъкидлаш жоиз.

⁷ Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 04.09.2023 й., 09/23/434/0679-сон; 27.08.2024 й., 09/24/529/0652-сон
SJIF: 5.051

Масалан, мазкур йўналишда фаолият олиб бораётган мутахассисларнинг фикрича, икки тараф ҳисобланган йигит ва қизнинг мустақил оила қуришга тайёр эмаслиги, жавобгарликни ҳис қилмаслиги, оиладаги тарбия, эркакнинг оилада мутлақ ҳукмронликка эга бўлишга интилиши асосий омиллардан бири сифатида эътироф этилмоқда.

Бошқа бир омил сифатида кўплаб фуқаролар онгида менталитет ва диний қарашларни нотўғри талқин қилиш оқибатида аёлнинг эркакка тобелиги, шу жумладан, “оиладаги ички иш” деган тушунча турғун шаклланганлиги, яъни, хотин-қизлар ўз муаммоларини айта олмасликлари, улар, “оиладаги ички иш”ларни сақлашлари оқибатида уларга нисбатан қўлланган у ёки бу зўравонликни яширин тарзда бошдан кечираётганликларини келтириш мумкин.

Ушбу соҳада ўтказилган тадқиқотлар натижасига кўра, аксарият маиший зўравонликка учраган хотин-қизлар ўз турмуш ўртоқлари томонидан зўравонликка учраган бўлсаларда, улар, асосан, ёрдамни турмуш ўртоқларидан кутишларини таъкидлашган.

Мазкур парадокс ҳолатни “стокгольм синдроми” билан тушунтириш мумкин. Яъни, унда инсонлар онгида зўравонликдан кутилишнинг иложи бўлмагандан сўнг, дўстлашишни қабул қилиш жараёни бўлади ва шу сабаб хотин-қизлар оиладаги зўравонликни қабул қиладилар ва шу туфайли кўрсатилган зўравонлик ҳеч қандай жазосиз яширин ҳолатда оилаларда йиллар давомида қўлланилишига сабаб бўлмоқда.

Оилада учраётган зўравонлик ҳолатларига сабаб бўлаётган омилларни бартараф этиш ҳамда бундай вазиятлардан жабр кўрганларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш

самарадорлигини ошириш учун қуйидаги чора-тадбирларни амалга ошириш таклиф этилади:

биринчидан, оилавий зўравонликка қарши курашишдаги энг муҳим босқичлардан бири ҳисобланган ушбу йўналишга доир миллий қонунчилик базасини илғор ривожланган давлатлар тажрибаси асосида ва замон талабларидан келиб чиқиб янада такомиллаштириш;

иккинчидан, оилавий зўравонликдан жабр кўрганларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун психологик ва ижтимоий хизматлар кўрсатувчи ҳамда тиббиёт соҳаларида етук мутахассис кадрлар тайёрлашнинг миллий дастурларини ишлаб чиқиш;

учинчидан, зўравонликка учраган хотин-қизлар билан ишловчи реабилитация марказлари фаолиятини молиялаштириш жараёнларига хусусий бизнес тузилмаларини жалб қилиш орқали реабилитацион марказлар самарадорлигини ошириш;

тўртинчидан, оммавий ахборот воситалари ва бугунги кунда ҳаётимизнинг ажралмас қисмига айланиб қолган ижтимоий тармоқлар орқали жамоатчилик фикрини ўзгартира олишга эга бўлган шахсларни ушбу мавзудаги диний ва дунёвий чиқишларини таъминлаш.

Мухтасар айтганда, оилавий зўравонлик муаммосига қарши курашишда, энг аввало, оиладаги муҳит, таълим-тарбиянинг ўрни нечоғлик катта аҳамиятга эга эканлигини барчамиз яхши англаб олишимиз керак. Қолаверса, оилавий фаровонликнинг таъминланмаслиги оиладаги зўравонликни келтириб чиқарадиган асосий омиллардан бўлиб ҳисобланади.

Ушбу йўналишда Давлатимиз раҳбари томонидан амалга оширилган ислохотлар ва таклифлар жараённинг ҳар бир босқичида жабр кўрганларга

кўрсатиладиган ёрдам ва ҳимоянинг кенгайишини таъминлайди. Чунки, барча йўналишлардаги ислохотлар инсон учун, инсонлар фаровонлиги, тинчлиги учун амалга оширилмоқда.

Шу тариқа, мамлакатимизда ижтимоий адолат ва инсон ҳуқуқларига бўлган эътибор янада мустаҳкамланади ва оилавий зўравонликнинг олдини олиш йўлида қадамлар янада самарали бошқарилади.

Шундай экан, оилавий зўравонликка қарши курашда ҳар бир шахс масъул эканлигини, шахснинг шаъни қадр-қиммати доим қонун ҳимоясида бўлишини ва қонунчиликда унга берилган ҳуқуқ қаерда бошланиши ва қаерда тугаши лозимлигини асло унутмаслиги лозим.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Халқаро хотин-қизлар кунига бағишланган тантанали маросимдаги нутқи // Электрон манба:
<https://pm.gov.uz/uz/lists/view/1102>.
2. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 01.05.2023 й., 03/23/837/0241-сон.
3. <https://www.un.org/ru/rights/protectedfromviolence/ch3.shtml>.
4. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 12.04.2023 й., 03/23/829/0208-сон; 19.10.2024 й., 03/24/977/0831-сон.
5. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 16.12.2022 й., 03/22/809/1091-сон; 12.04.2023 й., 03/23/829/0208-сон.
6. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 29.12.2023 й., 07/23/422/0994-сон; 13.01.2025 й., 06/25/1/0022-сон.

7. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 04.09.2023 й.,
09/23/434/0679-сон; 27.08.2024 й., 09/24/529/0652-сон.